

О.М.Абдулаев,  
иқтисод фанлари доктори, профессор,  
ТДИУ

## ИЖТИМОЙ - ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ПРОГНОЗЛАШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Ижтимоий-иқтисодий прогнозлаш, умумий прогнозлаш тизимининг махсус бўлими бўлиб, ижтимоий фанлар кузатадиган воқеликни ўрганади.

Кўпгина иқтисодий муаммолар социологик жиҳатга эга бўлади. Ижтимоий-иқтисодий прогнозлашнинг мақсади амалдаги ижтимоий эҳтиёжларни аниқлаш ва келгусидаги эҳтиёжларни олдиндан қўриш, жамият таркибини шакллантириш қонуниятларини ҳамда турмуш тарзини такомиллаштириш йўлларини очиб беришдан иборатdir.

Ижтимоий-иқтисодий прогнозлаш, табиий фанлардаги прогнозлашдан тубдан фарқ қиласди. Бу фарқ аввало, шунда намоён бўладики, табиий фанлар объектини муайян мақсадга қаратилган таъсир воситасида бошқариш мумкин эмас. Шу сабабли атмосфера, гидросфера, биосфера ва хоказоларда рўй берадиган ҳодисалар маълум эҳтимолликда прогнозланади.

Ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан кузатиладиган объектлардаги прогнозлаш бутунлай бошқача ҳолатда бўлади. Улар муайян мақсадга қаратилган ечимлар асосида бошқарилиши ва ўзгартирилиши мумкин. Бошқарув ечимлари объектнинг ҳолатини ва уни келгусида ривожлантириш хақидаги прогнозларни чуқур ўрганиш асосида қабул қилинади. Шунинг учун ижтимоий объектларни ривожлантириш прогнозларни инсон фаолиятига ижобий таъсир кўрсатадиган бошқарув ечимларини ишлаб чиқишига мўлжалланган бўлиши керак.

**Ижтимоий-иқтисодий прогнозлаш жамиятни ривожлантириш тенденциясининг ҳар томонлама таҳлилини, бу тенденцияни баҳолашни ўз ичига олади, ҳамда жамият бойликлари структурасини баҳолайди ва қўйидагиларни назарда тутади:**

- жамият ижтимоий тузилишининг ўзгаришини, меҳнат характери ўзгариши тақсимоти нисбатларининг прогнозларини ҳисобга олган ҳолда, жамиятни ривожлантиришнинг умумий ижтимоий муаммоларини;

- истеъмол, даромад прогнозларини, истеъмол тузилмасини, тиббий ва ижтимоий таъминотни, турмуш маданиятини ҳисобга олган ҳолда миллий фаровонлик муаммоларини;

- миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ижтимоий муаммоларини;

- ижтимоий-демографик ва ҳудудий ижтимоий муаммоларни;

- фан-техника тараққиётини жорий қилишнинг ижтимоий самарадорлиги прогнозларини ҳисобга олган ҳолда табиатдан фойдаланишнинг ижтимоий муаммоларини;

- ижтимоий бепул хизматларни ривожлантиришни;

- уй-жой билан таъминлашни ҳамда аҳолининг уй-жой билан таъминланиш даражасига қараб табақалаштирилишини;

- аҳолининг маданий эҳтиёжларини қондиришнинг индивидуал шакллари учун асос бўладиган предметлар билан таъминланиш даражасини;

- аҳолининг маданий эҳтиёжларини қондирадиган жамоат ташкилотларини ривожлантиришни;

- жамоат ишларида иштирок этиш, ижтимоий фаоллик даражасини;

Ижтимоий-иктисодий муаммолар, маданий ва ижтимоий-психологик фаолият натижасидир. Ижтимоий муаммолар бу ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган кўпгина ташкилий, иктисодий, ғоявий ва ҳоказо жиҳатларни ўз ичига оладиган комплекс муаммолардир. Уларда кишиларнинг ижтимоий хатти-харакатларига, бу хатти-харакатларнинг детерминацияларига боғлиқ бўлган туб социологик жиҳатларни ажратиб кўрсатиш осон эмас. Амалда социологик тадқиқотларнинг боришида назарий жиҳатдан, ҳал қилинадиган ижтимоий муаммолар аниқ қўйилган бўлиши керак.

**Маълумотларнинг мазмуни ва қийматини тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, бериш ва фойдаланиш масалаларини, ижтимоий ҳаётдаги ахборот жараёнларини оптималлаштиришнинг мезон ва воситаларини ўз ичига оладиган ижтимоий ахборотларнинг илмий назарияларини яратиш, ижтимоий жараёнларни илмий бошқариш муаммоларини комплекс тадқиқ қилишнинг марказий гуруҳларидан биридир.**

Комплекс ижтимоий-иктисодий прогнозлаш бир қанча масалаларни танлаш имконини берадики, уларни ҳал қилиш орқали қуидагилар таъминланади:

- иктисодий ва илмий-техник салоҳиятларнинг ўсиши асосида жамиятни ривожлантиришнинг муҳим ижтимоий муаммоларини изчил ва уйғун ҳолда ҳал қилиш;

- ҳалқнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини юқори даражада қондириш. Бу нарса ўсиб бораётган аҳоли турмуш даражасининг ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланишига таъсири билан биргаликда жамиятдаги ижтимоий ишлаб чиқаришнинг олий мақсадини ташкил этади;

- ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишнинг ошиб бораётган самарадорлигини иктисодий тараққиётнинг асосий манбаига айлантириш, интенсив шаклларнинг экстенсив шакллардан устун келиши;

- миллий иктисодиётни режалаштириш, бошқариш ва прогнозлаш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий-иктисодий муаммоларни самарали ҳал қилишни таъминлайдиган иктисодий тизимни ташкил этиш ва унинг оптимал равища амал қилиниши.

Ижтимоий-иктисодий прогнозларнииг бундай функцияси прогнозларнинг меъёрий ва генетик, деб аталган иккита турини ишлаб чиқишини тақозо этади. Меъёрий прогнозлар ёрдамида олдиндан белгиланган меъёрлар асосида эришиладиган ютуқларнинг йўл-йўриқлари кузатилади. Генетик прогнозлар-объектни ривожлантиришнинг ўтган даврдаги ва ҳозирги ҳолатини аниқлаш имконини беради. Бу икки турдаги прогнозларнинг натижаларини тақослаб, бошқарув ечимларини ва турли хил режаларни ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Ижтимоий режалаштириш объекти нимадан иборат? Қандай ҳодиса ва жараёнлар прогнозланади? Бу саволларга жавоб бериш учун ижтимоий

жараёнларнинг сабабларини аниқлаш лозим. Кенг маънода илмий-техника тараққиёти ва унинг оқибатлари ана шу жараёнларнинг асосини ташкил этади.

Ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг диалектик ўзаро алоқадорлигига асосланган ҳамда, ўзаро бир-бирини тақозо қиласидиган ижтимоий ҳаётнинг барча томонлари ўзгаришини ўз ичига оладиган жамият тараққиёти жараёни ижтимоий прогнозлашнинг обьекти ҳисобланади. Табиийки, бу мураккаб тизимнинг ҳар қандай элементи ёки кичик тизимни ташкил этадиган элементлар йиғиндиси мустақил таҳлил предмети вазифасини ўташи мумкин. Ижтимоий-иктисодий прогнознинг предметлари жамият тараққиёти жараёнида келиб чиқадиган муаммолар, маълум вакт мобайнида жамиятда мавжуд бўлган ресурслар (иктисодий ва ишлаб чиқариш имкониятлари), ҳамда иктисодий ресурслар мавжуд бўлганда бундай муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берадиган воситалардан иборатдир. Бундай ҳолатда иктисодий ёки миллий иктисодиётни прогнозлаш ижтимоий прогнозлашнинг кенг тизими ҳисобланади.

**Корхоналарда ижтимоий-иктисодий прогнозлаш фақат комплекс равища амалга оширилади.** Бундай прогнозлаш комплекси ва йўналиши амалда чекланмаган ва ҳар бир вақтда ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантиришнинг аниқ вазиятларига қаратилгандир. Ижтимоий-иктисодий жараёнларни прогнозлаш ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг ижтимоий оқибатларини ҳам ўз ичига олади.

Ҳозир ижтимоий-иктисодий тизимларни прогнозлашни ишлаб чиқиша корхона ишини ташкил этиш ва уни бошқаришнинг ижтимоий-иктисодий шаклларини ривожлантиришнинг мақсадли модели учун дастур тузиш кичик тизимини, тизимнинг ташкилий-техник таъминлашини, ижтимоий-иктисодий ва амалий ахборотни ҳамда корхонанинг ижтимоий тараққиётини прогнозлашнинг таҳлилини, тавсияларнинг ҳамда уларнинг корхона томонидан бериладиган эксперт баҳосини ишлаб чиқиши, корхонани ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга доир ечимларини, корхонанинг ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга доир ташкилий-бошқарув тадбирларини режалаштириш, назорат қилиш, ҳисобга олиш ва тартибга солишни, дастурнинг мақсадли элементларини жорий қилишдан тизим оладиган ижтимоий ва иктисодий самарадорлик таҳлили ва ҳисоб-китобини, шунингдек, ижтимоий-иктисодий тараққиётни бошқаришнинг функционал кичик тизимини ва шу кабиларни кўриб чиқиш лозим.

**Ижтимоий-иктисодий прогнозлаш моделларини тузиш ва улардан фойдаланишнинг пировард мақсади тизимнинг ўзгарувчан ижтимоий ҳолати аҳамиятини аниқлашдир.** Бундай моделлар тўрт гуруҳга бўлинади:

- ахоли ва меҳнат ресурсларининг ҳаракатини прогнозлаш моделлари;
- аҳолининг пул даромадларини тақсимлашни прогнозлаш моделлари;
- истеъмолчини прогнозлаш моделлари;
- психологик ва ижтимоий ўзгаришларнинг иктисодий оқибатларини прогнозлаш моделлари.

Бундай натижалар бир томондан, меҳнат унумдорлигининг ўзгаришида, иккинчи томондан, салбий ҳодисаларнинг олдини олиш ҳаракатларининг

ўзгаришида намоён бўлади.

Корхонани келажақда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг умумий модели саккизта дастурнинг мақсадли усулларидан иборат бўлади:

**Биринчи** моделга ёшларнинг касб танлаши, корхона ходимларини касблар бўйича танлаш, қабул қилиш, ўқитиш, ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш масалаларини ҳал қиласиган ташкилий-бошқарув операциялари киритилган.

**Иккинчи** модель корхоналар жамоасини бошқариш тизимини дастур-мақсадли шакллантиришни ифодалайди.

**Учинчи** модель корхона ходимларини махсус кийим-бош билан таъминлаш, санитария-гигиена ва майший хизмат кўрсатиш, шунингдек овқатланишнинг комплекс тизими масалаларини кўриб чиқади.

**Тўртинчи** модель меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ходимларга медицина хизмати кўрсатиш масалаларини белгилаб беради.

**Бешинчи** модель ходимлар талабларини амалга ошириш учун ташкилий-иктисодий шароитларни яратишни ўз ичига олади.

**Олтинчи** модель меҳнат жамоасида оптимал психологик иқлим яратишни ўз ичига олади.

**Еттинчи** модель корхона ходимларини ғоявий ва иқтисодий тарбиялашга, уларда меҳнат, ижодий, ижтимоий-сиёсий фаолликни ривожлантириш масалаларига бағишлиланган.

**Саккизинчи** модель ишчилар ва уларнинг оила аъзолари учун ижтимоий-маданий ва уй-жой майший шароитлар ташкил этишга бағишлиланган.

Ижтимоий ишлаб чиқариш моделларининг ҳаммаси биргалиқда аҳолининг оптимал истиқболли режасини амалга ошириш натижаларига бўлган қарашларини кўриб чиқади. Бундай моделлар ёрдамида ижтимоий вазиятнинг аҳамияти белгилаб берилади. Бу вазиятдан ижтимоий режалаштириш моделида бошқарув таъсирини коррекциялаш пайтида режани баланслаштиришни таъминлаш босқичида фойдаланилади.

**Ижтимоий-иктисодий прогнозлашда аҳолидан сўраш, эксперт-баҳолаш, моделлаштириш каби усуллардан фойдаланилади.** Аҳолидан сўраш усули ёрдамида кишиларнинг турмуш тарзидаги кутиладиган ва исталған ўзгаришлар, уларнинг эҳтиёжлари, шахсий режалари, муҳим танлашлар ва шу кабилар прогнозланади.

Эксперт - баҳолаш усулидан прогнозларнинг барча турларида кенг фойдаланилади. Бу усул асосида эксперталарни тегишли равишда танлаш йўли билан турли хил ижтимоий ходисалар прогнозланади.

Ижтимоий талаблар жамият аъзоси бўлган шахс хулқи билан бевосита боғлиқдир. Жамият режасига бўлган талаб моддий бойликларга қўйилган талабга интилиш бўлиб, уни амалга ошириш якка шахс, ижтимоий гурӯҳ ва бутун жамият фаолиятидаги ўзгаришларни таъминлайди.

Талабларни прогнозлаш истеъмолни прогнозлашга қараганда бирмунча мураккаб вазифадир. Истеъмолни прогнозлашда прогнозли моделлаштиришни енгиллаштирадиган динамик қаторлардан фойдаланиш мумкин. Талабларни прогнозлашда эса ўтган йиллардаги маълумотлар амалда етарли бўлмайди, моделлаштириш имкониятлари чекланган бўлади. Шунинг учун ҳам бу ерда

аҳоли ва эксперталардан сўраш усуллари биринчи ўринга чиқади.

Шахсий истеъмол соҳасини прогнозлашда бу соҳани ташкил этадиган турли элементлар ҳам, унда содир бўлиб турадиган жараёнларнинг ўзи ҳам кузатиш обьекти ҳисобланади. Шахсий истеъмол прогнозлари фақат келгуси давр учун шу талабнинг ҳажми ва структурасини ривожлантиришни истиқболини аниқлаш учун хизмат қилибгина қолмай, балки улар шахсий истеъмол соҳасини бошқаришга, бу соҳада содир бўлиб турадиган жараёнларни режали тартибга солишга доир аниқ тадбирларни, шунингдек, ҳалқ фаровонлигини ошириш соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий сиёsat тадбирларини ишлаб чиқиш ва асослашнинг бош омили ҳисобланади.

Жамият синфий структурасини ижтимоий-иқтисодий прогнозлаш амалдаги синфлар ўртасида сал кам 5-10 йил муддатга бўлган нисбатнинг ўзгаришидаги экстраполяция асосида амалга оширилади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, жамият ижтимоий структурасини прогнозлаш келажакда вужудга келадиган ижтимоий муаммоларни аниқлаш имконини беради. Муаммоларни аниқлаш эса уларни ҳал қилиш йўлларини топишни талаб қиласди.

**Ижтимоий тараққиётни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқарувчи кучларнинг айrim элементларини ўзаро алоқада ва ўзаро боғлиқликда амалда бўлишининг муҳим аспектларини аниқлаш имконини берувчи маҳсус ҳисоблаш ва мантикий усуллардан фойдаланишни назарда тутади.**

Яқин кунларгача иқтисодий прогнознинг математик моделларида икки турдаги ёндашув - статистик ва детерминистик ёндашув устунлик қилган.

Статистик ёндашувнинг кўлланилиши иқтисодий тизим анчагина юқори даражадаги инерционликка эгалигига асосланади. Статистик моделлаш прогнозлашга генетик ёндашув воситасидир. Статистик моделлаш прогнозлашнинг экстрополяция ва регрессия усуллари, омиллар, иқтисодий моделлар ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Тармоқда иқтисодий прогнозларнинг статистик моделларга асосланган ишланмалари кўп. Бу турдаги ишларнинг жиддий камчиликлари қўйидагича:

**1. Иқтисодий ривожланишнинг мақсадга мувофиқлигини тўлиқ ҳисобга олмаслиқ;**

**2. Иқтисодий ривожланишнинг чекланганлигини ҳисобга олмаганлик;**

**3. Ахборотнинг таркибий тўлиқсизлик назарияси даражасида тўлиқ эмаслигини ҳисобга олмаслиқ;**

**4. Ахборотни маълумотлар даражасида тўлиқ эмаслигини ҳисобга олмаслиқ (амалга оширишнинг эҳтимолдан узоқ нуқтали прогнозлари).**

Дастлабки икки нуқсонни обьектив билиш бошқа турдаги прогноз моделлари - прогноз қилишнинг детерминистик оптималлаштириш моделларига олиб келди. Гарчи бу моделларда ривожланиш мақсадлари баён қилиниб, ташқи ахборот ҳисобга олинсада, улар прогноз қилиш моделлари эмас, балки режалаштириш моделларига ўхшаб қоладилар.

Детерминистик оптималлаштириш моделларининг нуқсонлари қўйидагича:

- 1) иқтисодий ривожланишнинг инерционлигини ҳисобга олмаганлик;
- 2) ахборотни таркибий ва параметрик тўлиқ эмаслигини ҳисобга олмаслик;
- 3) ахборотни маълумотлар даражасида тўлиқ олмаслигини ҳисобга олмаслик;
- 4) ривожланишнинг чизиксиз ривожланишини тўлиқ ҳисобга олмаслик.

Статистик ва детерминистик оптимал моделлашнинг нуқсонлари умумий прогноз қилишнинг индетерминистик оптимал моделларини қўллаш воситасида бартараф қилинади.

Индетерминистик оптималлаштириш прогноз модели қўйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак:

**1. Иқтисодий ривожланишнинг мақсадга мувофиқлиги**, бунда унинг ярим критериал шаклда расмийлаштирилиши.

**2. Ривожланиш чекланишларининг расмийлаштирилиши.** Бунда эҳтимолли турдаги чекланишлар назарда тутилади.

**3. Ривожланишнинг инерционлигини ҳисобга олиш.**

**4. Ахборотнинг таркибий ва параметрик тўлиқсизлигини**, шунингдек, ахборотнинг маълумотлар даражасидаги тўлиқсизлигини ҳисобга олиш.

**5. Иқтисодий қонуниятларнинг бекарорлилигини ҳисобга олиш.**

**6. Ривожланишнинг мумкин бўлган муқобиллари тўпламини ишлаб чиқиши имконияти.**

**7. Режали қўрсаткичларнинг прогноз характеристини ҳисобга олиш** (натижаларни тақсимлашлар кўринишида, график жихатдан интерваллар кўринишида бериш).

**8. Ривожланишнинг айrim ёки барча аспектлари детерминизация қилинган ҳолларда айrim прогнозларни ишлаб чиқиши мумкинлиги.**

Таркибига ёндашув сифатида статистик ва детерминистик усулларни камраб оловчи индетерминистик ёндашув юқоридаги ҳар иккала усулнинг ижобий хусусиятларини бириктириш орқали амалга оширилади.

Оптимал статистик моделларни қуриш ва ҳал қилиш тамойили, уларда регрессион ва функционал тенгламаларни тизимли мунтазам дастурлаштиришдан иборатdir. Бу тамойиллар тармоқ тизимларини режалаштириш бўйича бир қатор ишларда акс эттирилган.

**Иқтисодий-статистик моделлар асосан оптимал тармоқ вазифалари учун ахборот моделлари сифатида қўлланилган.**

Бу босқичда иқтисодий-статистик ва оптимал моделлар бирикмалари бўйича иш қўйидаги хусусиятлари билан ифодаланади:

- бир даражали ёндашув устунлиги;
- муаммоларнинг кучли детерминация бўлганлиги (оптимал режалаштириш, мукаммал математик моделларни тузиш, ягона аниқ ечимга эга бўлиш жараёнининг тўлиқ расмийлашуви);
- иқтисодий-статистик моделлар оптималлаштириш вазифалари учун ахборотни тўлдириш моделлари хизматини ўташи;
- ахборотнинг тўлиқ эмаслиги, иқтисодий алоқаларнинг бекарорлигини ҳисобга олинмаслиги.

Илмий-техника тараққиётины прогноз қилиш усулларини шартли тарзда уч гурухга ажратиш мумкин.

Биринчи гурухга қонунияттарни экстрополяция қилувчи ва моделлашга, ўрганилаётган объект ўзгаришига асосланувчи; иккинчи гурухга таҳлил қилинаётган ҳодиса экспертизасига асосланувчи; учинчи гурухга комбинация қилинган усуллар киради.

Биринчи гурухга бевосита экстрополяция усуллари, эгилувчи эгри чизик бўйича экстрополяция усули, корреляцион ва регрессион усуллар, муқобил прогноз қилиш усуллари ва шу кабиларни киритиш мумкин.

Иккинчи гурух усулларига индивидуал ва жамоа экспертиза усулларининг турли модификациялари киритилади.

Бевосита экстрополяция усуллари прогноз қилинаётган даврдаги иқтисодий ҳодисаларнинг ўзгариш ўзгаришини ўрганиш ва топилган қонуниятни келажакда амалга оширишга асосланади.

Экстрополяцион ёндашувда тадқиқ қилинаётган жараён (илмий-техника тараққиёти)ни билиш ва тўғри тушуниш, шунингдек, иқтисодий ўсиш механизмида барқарорлик бўлиши шарт. Фақат ана шундагина илмий-техника тараққиётдаги изчиллик таъминланиши мумкин.

Экстрополяция усулининг афзаллиги, ҳисоблаш схемасининг кенг универсаллиги, ҳисоб алгоритмининг кўп меҳнат талаб қиласлиги, бошланғич ахборотга ишлов беришни автоматлаштиришга имкон берадиган машина дастурининг мавжудлигидир.

Усулнинг камчилиги: узок вақт бирлиги учун база маълумотларидан фойдаланиш зарурлиги; келажакни олдиндан айтишда инерционлик тамойилини қўллаш мумкин эмаслиги; узок муддатга прогноз қилинганда унинг аниқлигининг камайиши.

**Илмий-техника тараққиёти кўрсаткичларини олдиндан айтиш вақт қатори билан берилган уч компонент: тренд, йиллик ва қолдиқقا тақсимлашга асосланади.** Бу ўринда тренд вақтга узлуксиз функция, деб қаралади, йиллик компонент вақтдан трендга қўйиладиган даврий функция ҳисобланади; қолдиқ компонент гипотезага кўра тасодифий стационар жараёндир.

Илмий-техника тараққиёти кўрсаткичларини олдиндан айтиш масалаларининг ечилишини қўйидаги асосий босқичларга ажратиш мумкин:

- иқтисодий кўрсаткичлар вақт қаторлари таҳлили;
- тренд функцияларини ажратиш учун тегишли усул ва математик заминларни танлаш;
- трендларни прогноз қилиш;
- қолдиқ компонентлар таҳлили;

Олдиндан айтишнинг математик аппарати бошланғич ахборотга муҳим талаблар қўяди. Шунинг учун олдиндан айтишнинг тренд моделларини қуришнинг дастлабки босқичларидан бири, вақт қатори бўйича характерсиз нуқталарни аниқлаш ва бартараф қилиш аппаратининг ишлаб чиқилиши олдиндан айтиш натижаларининг ишончлилигини оширишга йўлланган.

Иккинчи босқичда вақт қаторлари ва олдинги босқичлардан олинадиган

ахборот асосида вақт қаторининг тренди аниқланади, йиллик компонент (агарда бор бўлса) ўрганилади. Бу босқичда назарий маълумотларнинг амалий олинган маълумотларга яқинлик мезони танланади.

Учинчи босқич - олдиндан айтишнинг асосий босқичи. Бунда аниқланган тенденциялардан қайсилари муҳимлиги, демак олдин айтилиши лозимлиги ҳал қилинади.

Мазкур босқичда илмий-техника таракқиётининг олдиндан айтилаётган кўрсаткичларига муқобил бўлувчи олдиндан айтиш моделлари танланади, олинган натижалар ҳам илгари танланган мезонлар воситасида статистик нуқтаи назардан таҳлил қилинади.

Тўртинчи босқичда эса статистик усуллар ёрдамида қолдиқ компонент ўрганилади ва прогнознинг пировард варианти аниқланади.

Прогноз қилишда кўриб чиқилган босқичлардан ташқари вақт қаторларининг сакраш тенденциясини олдиндан айтишни ҳам эътиборга олиш керак, чунки сакрашлар таъсири олдиндан маълум бўлса, прогнознинг аниқлигини ошириш мумкин бўлади.

Вақт қаторлари трендининг функциялари иқтисодий жараёнларнинг ривожланиш қонунлари асосида ҳам аниқланади. Ўсиш прогнозининг қўйидаги нисбатлар билан ифодаланувчи айрим қонунларини кўриб чиқамиз.

1.	$y = at + b$	11.	$y = a + \frac{b}{t}$
2.	$y = at^2 + bt + c$	12.	$y = at^b c^t$
3.	$y = \sqrt{at + b}$	13.	$y = \frac{a}{1 + be^{-ct}}$
4.	$y = \sqrt{bt^a}$	14.	$y = \frac{1}{a \ln t + b}$
5.	$y = (at^3 + bt + c)^{1/3}$	15.	$y = a + b \ln t + ct$
6.	$y = ca^t + b$	16.	$y = \frac{t}{a + bt + ct^2}$
7.	$y = c(at + b)^{2/3} + b$	17.	$y = at^2 + bc^k$
8.	$y = ct^a + b$	18.	$y = a + bt + e^{c+kt}$
9.	$y = bt^a$		
10.	$y = \frac{a}{t + b}$		

Кўриб чиқилган ўсиш қонунлари асосида параметрларнинг сони кўп бўлмаган тренд функцияларини олиш мумкин, бу олдиндан айтишда долзарбdir. Аммо иқтисодий жараёнлар (илмий-техника таракқиёти) мураккаб ўтиши туфайли прогноз қилинаётган жараён ўсишининг ҳақиқий қонунини аниқлашда кўриб чиқилган функциялар кифоя қилмайди. Шунинг учун ўсишнинг кўриб чиқилган қонунларини  $y$  ва  $t$  бўйича масштабларини ўзгартириш орқали модификация қилиш керак бўлади.

$Y$  бўйича қўйидаги масштабларни қабул қилиш мумкин:

$$y, \ln y, t/y, \sqrt{y}, t/\sqrt{y}, y^2, 1/y^2, 1/\ln y, \ln t/y, \sqrt{t}/y, t^2/y, \ln t/\ln y, \ln t/\sqrt{y}$$

Шундай қилиб, у ва  $t$  масштабларидан бирини олиб ва шу асосда айирма нисбатларни кўриб чиқиб, параметрларининг сони кўп бўлмаган турли таҳлилий функцияларга эга бўлиш мумкин.

Энг яхши функцияни турли йўллар билан танлаш мумкин, чунки бу ўринда муҳими айирма нисбатлардан жуда бўлмаганда биттасининг доимийлигини аниқлашдир.

Олдиндан айтилаётган жараён учун ўсиш қонунини қўйидаги мезонлардан бирининг минимуми асосида аниқлаш мумкин:

$$\sigma/m = \frac{\tilde{y}_{\max} - \tilde{y}_{\min}}{m},$$

$$\text{бунда } m = \frac{\sum \tilde{y}_i}{n} \quad \tau = \sqrt{\sum (\tilde{y}_i - m)^2}.$$

$\tilde{y}_{\max}$   $\tilde{y}_{\min}$  кўриб чиқилаётган ўсиш қонунига кўра ўзгартирилган вақт қаторининг максимал ва минимал қиймати. Илмий-техника тараққиётининг иқтисодий кўрсаткичлари кўп омилли регрессион ва корреляцион моделлар ёрдамида олдиндан айтилади.

Мазкур усул ҳодисалар ўртасида прогноз муносабатларини ҳал этиш объективнинг ўтмишдаги, ҳозир ва келажакдаги ҳолатлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлайди.

Корреляция ва регрессия моделлари ёрдамида олдиндан айтиш тренд моделларига қиёсан бир қатор афзалликларга эга бўлиб, улардан асосийлари қўйидагилардир:

1. Муайян иқтисодиёт билан узвий боғланган моделлар, турли даврлар базасида ҳисобланган моделлар таҳлили, иқтисодиётдаги ички алоқалар ўзгаришининг характеристини қузатиш имконини беради.

2. Моделларни амалда бўлишининг нисбатан автономлиги.

3. Моделлар айрим иқтисодий омилларнинг олдиндан айтилаётган жараёнга таъсирини баҳолаш имконини беради.

Регрессион моделлар ёрдамида олдиндан айтиш бошланғич ахборотга қўйидагича талаблар қўяди:

а) вақт қаторининг барча нуқталарида кўрсаткичларнинг бир хил аниқланишини;

б) вақт қаторлари сифат жиҳатдан бир хил бўлишини;

в) вақт қатори қамраб оладиган давр мумкин қадар катта бўлишини;

г) вақт қаторларида қузатиш бирлиги ҳар бир йилнинг алоҳида кўрсаткичи бўлганлиги туфайли вақт изчиллиги ҳамда вақтни ҳисоблашнинг ягона бошланишини ҳисобга олиш зарур.

Регрессион моделлар ёрдамида олдиндан айтишда қўйидаги вазиятлардан бири юзага келади. Регрессион моделнинг омил белгилари олдиндан тегишли назариялар ёки бошқа манбалардан аниқланган бўлади.

Омил белгилари олдиндан аниқланмаган, аммо олдиндан айтилаётган жараёнлар агрегациясининг даражаси ва улар ўртасидаги сабаб-оқибат алоқаларининг мавжудлиги регрессион моделлар аппаратидан фойдаланишни назарда тутади.

Энди мумкин бўлган икки вариантни назарда тутувчи олдиндан айтишнинг кўп омилли регрессион модели бўйича ҳисоблар изчиллигини кўриб чиқамиз.

**1. Иш гипотезасини қабул қилиш.** Кўп омилли регрессион моделни тузишда биринчи навбатда ўрганилаётган ўзаро алоқаларнинг сифат томонлари таҳлил қилиниши лозим. Бунинг учун маълум назарияга эга бўлиш керак, чунки олинган натижалар шу назария асосида тушунтирилади ва интерпретация қилинади.

Иш гипотезаси асосида моделга қанча ва қайси омиллар киритилиши, функционал алоқанинг мумкин бўлган тури қандайлиги, моделнинг динамик ёки статистиклиги ҳақидаги масала ҳал қилинади.

**2. Шартли блокни олдиндан айтиш.** Бу жараёнда регрессия тенгламасида омил белгилари аниқланган ёки аниқланмаганлигига кўра шартли ўтишни амалга оширади.

**3. Омиллар рўйхатини тузиш.** Агарда омил белгилари аниқ топилмаган бўлса, омиллар йиғиндисини тузиш жараёни гипотезани изчил аниқлаш характерига эга бўлади. Таҳлил қилинаётган муаммо бошланғич ахборотда муқобилроқ акс этиши учун жараённинг моделлаштирилаётган қўрсаткичи билан боғланган энг муҳим тавсифномаларини юқори даражада ҳисобга олиш керак.

Муҳим омилларни кейинги босқичларда танлашни енгиллатиш учун шу босқичнинг ўзидаёқ, факат мантиқий таҳлилда жуда муҳим бўлувчи омилларни ажратиб олиш мақсадга мувофиқ. Омилларни танлашда омил таҳлили усули самаралироқdir. Масалан, бош компонентлар усули шулар жумласидандир.

**4. Омилларнинг мантиқий таҳлили.** Бу босқичда омиллар миқдори ва рўйхати ўрганилаётган ўзаро алоқаларнинг сифат жиҳатлари ҳақидаги мавжуд билимлар асосида мантиқий йўл билан аниқланади.

Омилларнинг мантиқий таҳлили асосида иш гипотезасидаги кейинги аниқлашлар амалга оширилиб, қўрсаткичларга жиддий таъсир кўрсатувчи омиллар ажратиб олинади.

**5. Омилларни баҳолаш.** Бу босқичда статистик тавсифномалар кўмагида бошланғич ахборот ўзаро алоқаларини пухта ўлчаш учун кифоя қилиш ёки қилмаслиги аниқланади.

Бу мақсадда вақт қаторларининг қўйидаги тавсифномалари ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{ўртача арифметик } \bar{x} = \frac{\sum x_i}{n}$$
$$\text{дисперсия } \sigma^2 = \sqrt{\frac{\sum (x_i - \bar{x})^2}{n-1}}$$

$$\text{вариация коэффициенти } V = \frac{\sigma * 100\%}{\bar{x}}$$

$$\text{уртacha арифметик хато } m = \sigma / \sqrt{n}$$

$$\text{уртacha арифметиканинг ишонарлилиги } t = \frac{\bar{x}}{m}$$

$$\text{ассиметрия кўрсаткичи } A = \frac{\sum (x_i - \bar{x})^3}{n\sigma^3}$$

$$\text{экспесс кўрсаткичи } k = \frac{\sum (x_i - \bar{x})^4}{n\sigma^4}.$$

Вариация коэффициенти қаторнинг бир турдалилиги ва барқарорлигини баҳолаш имконини беради. Агарда у юқори бўлса, унда бу омилга эҳтиёткорона ёндашиш ёки уни регрессия тенгламасидан умуман чиқариб ташлаш керак. Ассиметрия кўрсаткичи эмпирик тақсимлаш эгри чизигининг қирқилганлигини ифодалайди.

Эмпирик тақсимлаш меъёри тақсимлашдан тақсимлаш эгри чизигининг ўткир учлилиги ёки ясси учлилиги, яъни экспесс билан фарқланиши мумкин. Нормал тақсимлаш учун  $k < 3$ .

Агарда тақсимлаш  $k > 3$  бўлса, эгри чизик ўткир учли, агарда  $k < 3$  бўлса, ясси учли дейилади.

Экспесс кўрсаткичи 3 дан кучли четга чиқадиган бўлса, кейинги босқичларда F мезондан эҳтиёт бўлиб фойдаланиш керак ёки бу омил чиқариб ташланади.

**6. Моделга киритилаётган омилларни гурухлаш.** Маълумки, модель омилларнинг тўлиқ рўйҳати бўйича тузилганда қуйидаги салбий оқибатлар содир бўлади: олдиндан чекланган динамик қаторлардан фойдаланилганда статистик характеристикаларнинг ишонч соҳаси жуда кенгаяди; регрессив алоқа функционаллик билан ифодаланади; айрим омиллар ўртасидаги алоқанинг қатъийлиги мультиколлинеарликка ва баҳоларнинг аралашиб кетишига олиб келади.

Мазкур иқтисодий жараён учун аҳамиятли бўлган омилларнинг оз миқдорини танлаш юқорида айтиб ўтилган салбий оқибатларнинг олдини олиш йўлларидан биридир. Бундан ташқари, регрессион модельга омилларнинг натижали кўрсаткичга таъсирини аниқлашга тўсқинлик қиласидиган ўзаро мультиколлинеарлиги йўқ бўлган омилларни киритиш мумкинлиги туфайли бу босқичда мультиколлинеарликни ҳисобга олиб «сабаб - оқибат» занжирида омиллар ранжировкаси амалга оширилади. Истисно омиллар  $t$  критерик миқдори бўйича ҳам ўтказилади.

**7. Моделга қўшилган омилларни танлаш.** «Сабаб - оқибат» занжири асосида регрессион модельга қўшиладиган омиллар танланади.

**8. Шартли блок.** Унда динамик ёки статистик модельни қуриш ёки курмаслик масаласи ҳал қилинади.

**9. Алоқа шаклини танлаш ва асослаш.** Регрессион модельни тузишнинг муҳим босқичи, жараённи унинг даражасига таъсир этувчи омилларга боғлиқлигини ифодаловчи алоқа шаклларини танлашдир.

Куйидаги формула бўйича қолдиқларнинг ўртача квадратик оғиши хисобланади.

$$\sigma_0 = \sqrt{\frac{\sum (y_t - \bar{y}_t)^2}{n-m}},$$

бунда;  $y_t$  - вақт қатори даражаларининг амалий олинган қиймати;

$\bar{y}_t$  - вақт қатори даражалари қийматини тенглаштириш;

$n$  - вақт қатори бўйича ҳадлар сони;

$m$  - регрессия тенгламаси параметрларининг миқдори.

Кўпгина иқтисодчилар, масалан Я.Вайну қолдиқларнинг ўртача квадрат оғишини динамик қаторни тенглаш учун тренд модели турини танлашнинг асосий мезони, деб биладилар.

Афзаллик кўрсатилган миқдорнинг минимал қийматига тўғри келувчи функцияга берилади. Аммо модель турини танлашда мазкур статистик тавсифнома билан чекланиб бўлмайди. Биринчидан, аниқ вазиятларда кўпинча бир вақтда бир неча функциялар учрайдики, улардан фойдаланилганда  $\tau_0$  миқдор жиддий фарқ қилмайди. Иккинчидан, кўрсаткичларнинг ҳисоб қийматларини амалий олинганда юқори даражада яқинлаштириш ҳар доим ҳам тренд модели сифатини баҳолашда мезон хизматини ўтайвермайди.

### **Эгри чизиқ ҳамма нуқталардан ўтадиган ҳолатларнинг исталганида оғиши квадратларининг суммасида, табиийки, нолга тенг бўлади.**

Шундай қилиб, шаклий тарзда бу «энг яхши» эгри чизиқ бўлади, ҳақиқатан ҳам ҳодисанинг ўтмишдаги амалий олинган ривожланиши ўзгаришини аниқ тасвирлайди.

Бундай ҳолатда тенденцияни ажратиш, бунинг устига уни олдиндан айтишда кўллаш ҳақида гап юритиш ўринли бўлмаса керак<sup>1</sup>.

Функция турини танлашда, шунингдек динамик қаторлар ҳадларининг вақт изчиллигига кўра бир хил бўлмаган ахборот қийматини ҳам ҳисобга олиш ўринлидир. Таҳлил қилинаётган вақт бўлагидаги прогноз қилинаётган даврдан бевосита олдин турувчи тадқиқ қилинаётган кейинги йиллар ҳодиса (жараён) ларининг қиймати прогнозни ишлаб чиқиша илгариги йиллар аниқ маълумотларидан кўра кўпроқ қизиқиш уйғотади.

Бошқа шароитлар тенг ҳолларда фойдаланилганда тадқиқ қилинаётган жараён (саноатдаги илмий-техника тараққиёти)нинг тўғриланган қийматлари базис даврдаги сўнги йиллар амалий олинган қийматидан энг кам оғишилари таъминланадиган функцияларга афзаллик берилади.

Бу мезон, агарда регрессион таҳлилнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинса, алоҳида маъно касб этади. Регрессион моделлар, одатда динамик қаторнинг охирида эмас, балки ўртасида, жойлашган даражаларни яхшироқ тасвирлайди.

Олдиндан айтишнинг ишончсизлик белгиларидан бири уни бошланғич маълумотлардаги сезиларсиз ўзгаришларга ўта сезгирилигидир. Масалан,

<sup>1</sup> Четыркин Е. М. Статистические методы прогнозирования. 2-ое пер. изд. -М., 1977, с. 54.

саноатдаги илмий-техника тараққиёти олдиндан билдирилаётган иккиланишнинг бошланғич динамик қаторлар узунлиги бир-икки қаторга қисқарғанда ёки ошганда тренд ёки кўп омилли регрессион моделнинг сифати юқори эмаслигидан далолат беради.

Олдиндан айтишнинг ишончлилигини текшириш, шунингдек, унинг турли варианtlарини қиёслаш билан ҳам амалга оширилади. Олдиндан айтишнинг ишончсизлик мезони вазифасини маълум даражада турли усуllарда ва турли бошланғич маълумот асосида бажарилган ҳисоб-китоблар натижалари фарқининг микдори ўтайди.

Амалда функционал алоқани танлаш кўпинча турли таҳлилий функцияларни саралаш йўли билан амалга оширилади. Бунда саралаш мезони сифатида олинган формула ўзининг иқтисодий интерпретацияси қониқарли бўлгандаги тўплам корреляцияси коэффициентининг энг катта қиймати қабул қилинади. Прогноз қилишда функционал алоқа турининг эмпирик, турли функцияларини саралаш уларнинг муқобиллигини тўплам корреляцияси коэффициенти ва Фишер мезони ёрдамида баҳолаб амалга оширилади. Сўнgra танланган функциялар қиёслангач, улардан энг муқобили танланади.

**10. Модель параметрларини баҳолаш.** Умумий ҳолатда  $x_1, \dots, x_n$  билан боғловчи модель чизиқсиз бўлиши мумкин, шунинг учун параметрларни баҳолашда икки хил йўл тутиш мумкин:

1) модельни чизиқли кўринишга келтириш; 2) модельни баҳолашда чизиқсиз баҳолаш усулидан фойдаланиш.

**11. Шартли блок.** Бу блокда моделининг муқобиллиги F мезони бўйича текширилади. Агарда модел муқобил бўлмаса 12-блокка, муқобил бўлса 13-блокка ўтилади.

**12. Моделни корректировка қилиш.** Дастлаб танланган алоқа шакли ёки бошка алоқа шакли танланади.

**13. Моделни статистик баҳолаш.** Олинган регрессия тенгламасини статистик текшириш усуllаридан бири қолдиқ микдорлар, яъни ифодани тадқиқ қилишдир.

$$\xi_t = y_t - \hat{y}_t$$

Маълумки, регрессион таҳлилни қўллашнинг муҳим шартларидан бири кузатишларнинг мустақиллиги ва  $\xi_t$  микдор тақсимотининг меъёри талабидир. Бунда агарда охирги талаб бажарилса, унда регрессия тенгламасидан биринчи шартга риоя қилиниш ёки қилинmasлигига қарамай фойдаланиш мумкин. Энг кичик квадратлар усули бу ҳолда аралаштирилмаган баҳолар беради, аммо бу ҳолда баҳолар дисперсияси қуи даражада бўлмайди. Бунинг натижасида регрессия коэффициентлари учун статистик гипотезаларни текширишни амалга ошириб бўлмайди, чунки автокорреляциянинг мавжудлиги регрессия коэффициентлари ўрта квадратлар хатолар микдорининг бузилишига олиб келади. Бу уларнинг ишончли интервалларини тузишни, шунингдек, уларнинг аҳамиятини текширишни қийинлаштиради.

$\xi_t$  микдор қаторида автокорреляциянинг мавжудлигини текшириш усуllаридан бири автокорреляция коэффициентидан фойдаланишдир.

Қаторнинг изчил ҳадлари ўртасидаги алоқа қанчалик кучли бўлса автокорреляция коэффициентининг микдори шунча юқори бўлади. Энг кучли бузилиш қолдиқ микдорлар биринчи қатор авторегрессив жадвалга мувофиқ келганда ва бошланғич қаторлар билан вақт бирлигига силжиган қаторлар ўртасида жиддий автокорреляция кузатилганда пайдо бўлади. Автокорреляцион оғишлар борлигини текшириш учун Андерсон таклиф этган усулдан фойдаланилади.

Автокорреляция бартараф этилгач, регрессион модель бўйича эластиклик коэффициенти, стандарт хато, ўртача хато таҳлил қилинади.

**14. Омиллар прогнози.** Прогноз қилиш тизими тренд моделларини аниқлаш аппарати ёрдамида омил белгиларининг прогнози амалга оширилади.

**15. Прогнозлар варианти.** Тренд моделлари ёрдамида олинган омилларнинг кутилаётган қийматларини қўйиш йўли билан прогноз варианти олинади. Прогнознинг ишонч интерваллари ҳам аниқланади.

**16. Шартли блокда модельнинг яроқлилиги масаласи.** Агарда прогноз варианти қониқтирмаса, модель корректировка қилинади, бунинг учун 9-блокка ўтилади.

**17. Прогнознинг пировард варианти.** Бу босқичда прогнознинг олинган вариантларидан энг яхшиси танланади.

**18. Динамик шаклни танлаш ва асослаш.** У 9-блокка ўхшаш ҳолда амалга оширилади.

**19. Динамик модель параметрларини аниқлаш.** Бу 10-блокка ўхшаш ҳолда амалга оширилади ва F мезонда моделга муқобиллик текширилади.

**20. Қайта манзиллаш.** Беш йиллик бир йилга сурилади, натижада янги вақт бўлаги пайдо бўлади.

**21. Параметрлар барқарорлигини текшириш.** Ҳар бир омил учун динамик модел курилганда регрессион коэффициентлари аниқланади, улар вақтдан айрим функция кўринишида берилиши ҳам мумкин, уларнинг параметрлари эса энг кичик квадратлар усули ёрдамида топилади.

Аммо бундан олдин параметрларнинг барқарорлигини текшириш лозим. Чунки у динамик модель асосида олинган прогнознинг ишончлилигини таъминлайди, F мезон текширилади ва жадвал қийматлари билан қиёсланади.

**22. Шартли блок.** Агарда регрессион тенгламалар тизимининг параметрлари барқарор бўлса, 24-блокка, акс ҳолда эса 23-блокка ўтилади.

**23. Шартли блок.** Агарда параметрлар барқарор бўлмаса бошқа шаклни танлаш мумкин ёки йўқлигига қўра 19 ёки 9-блокка ўтилади.

**24. Динамик модельни статистик баҳолаш.** Модель 13-блокка ўхшаш баҳоланади.

**25. Айрим параметрлар прогнози.** Тренд моделлари ёрдамида регрессия тенгламаси параметрларининг прогнози амалга оширилади.

**26. Омиллар прогнози.** 14-блокка ўхшаш баҳоланади.

**27. Прогноз варианти.** Моделга параметр ва омилларнинг прогноз қийматлари қўйилиб, ўрта муддатли прогноз варианти олинади. Ишонч интервали аниқланади.

**28. Шартли блок.** Агарда прогноз қониқарсиз деб топилса, 18-блокка

үтиш йўли билан регрессия тенгламаси алоқа шакли корректировка қилинади.

**28. Прогнознинг пировард варианти.** 17-блокка ўхшаш ҳолда амалга оширилади.

**Адаптив прогнозлаш усули.** Адаптив прогноз қилишнинг математик асоси сифатида тадқиқ қилинаётган вақтдаги ўзгаришни таҳлил қилиш имконини берувчи статистик жараёнлар комплексидан фойдаланилади. Адаптив алгоритмларнинг хусусияти шундаки, ҳисоб шаклидаги коэффициентлар доимий бўлиб қолмайди, янги ахборотнинг тушишига кўра доимий қайта кўриб турилади. Натижада моделнинг объекти мавжуд бўлган адаптация шароитларга қараб ўзгаради. Адаптик ёндашувнинг афзаллиги шундаки, мойил математик аппарати билан бирга унинг оддийлиги, бошланғич маълумотларнинг чекланган массивидан фойдаланиш мумкинлиги, пировард натижанинг юқори даражадаги аниқлигидир. Адаптик усуллардан муддатлари катта бўлмаган прогнозларни ишлаб чиқиша фойдаланиш тавсия қилинади, чунки ҳисоб алгоритмининг конструктив хусусиятлари тадқиқ қилинаётган иқтисодий тизимдаги мураккаб таркибий ўзгаришларни тўлиқ аниқлаш ва ҳисобга олиш имконини бермайди.

**Аргументларни гурухий ҳисобга олиш усули.** Таҳлилларнинг гурухий ҳисоб усули кичик миқдордаги тажриба асосида олинган маълумотлар бўйича мураккаб тизимларни бевосита моделлаш учун маҳсус ҳисоблаш машиналарини математик таъминлашнинг асоси ҳисобланади.

Аниқ кўп қиррали прогнозни олишда аввал кўрсаткичнинг гурухий ҳисоб усули алгоритмлари бўйича объект модели синтез қилинади. Агарда маълумотларнинг қисқача сараланмаси берилган бўлса, кўрсаткични гурухий ҳисоб усули бўйича синтез қилинган математик моделларга аниқ бир қиррали ва кўп қиррали прогнозлар беради.

Аргументларнинг гурухий ҳисоб усули регрессион таҳлил ва регуляция усуллари бирлашмасидир. Бу усул регрессия тенгламалари мураккаблигини оптималлаштириш масаласини ҳал қиласи, энг аниқ прогноз моделларини беради. Бу усулда регрессия бўйича мураккаброқ (унинг қўшилувчиларининг сони ёки унинг даражасига кўра) моделнинг мунтазамлиги ортиб борган сари аста-секин ошиб боради. Энг регуляр, ягона модель унинг оптимал мураккаблигига мос келади. Ортиқча ошиб кетган бўлса, унинг мунтазамлиги пасайиб боради.

Моделнинг оптимал мураккаблигига кечикаётган кўрсаткич ҳисобга олинганда ва регрессия тўлиқ полиномининг юқори даражасида эришилади. Бу усул 1000 тагача кўрсаткичи бўлган масалаларни ечиш имконини беради. Шу вақтда ўзгарувчи ҳам, вақтда силжишлар билан ўзгарувчилар ҳам шулар қаторига киради.

Аргументларни гурухий ҳисобга олиш усулининг асосий алгоритмларига чизиқли полиномли алгоритм, ковариация ва квадрат тавсифли алгоритми, комбинатор алгоритми, мисоллари тасодифий танланган алгоритм, трендлари изчил ажратиладиган алгоритм, мультурликатив моделли кўрсаткичнинг гурухий ҳисоби модели алгоритмлари киради.

Бир неча омиллар учун кўрсаткичнинг гурухий ҳисоби усули учун

қуидаги белгиларни киритамиз:

$t$  - вақт вақти (нұкта);

$m$  - барча вақт вақтлари сони;

$\mu_1$  - учрашувчи нұқталар түплами (вақт вақтлари) ;

$m - h \mu_1$ , - түплам пунктлари сони (вақт вақтлари);

$\mu_2$  - текшириш нұқталари түплами (вақт вақтлари);

$y_t$  - вақт күрсаткич қиймати;

$x_{if}t$  - вақтда  $i$  омил қиймати.

$n$  - барча омиллар сони;

$q$  - прогноз учун танланган функция турининг номери;

$f_q$  - прогноз учун танланган функция тури;

$s_q q$  - функцияга күра хисобланған  $\mu_2$  амалий олинған қийматлар текшириш нұқталари назарий күрсаткичларининг ўртача квадрат оғиши.

$y_t$  - вақтда күрсаткичнинг амалий олинған қиймати;

$y_q(t)q$  - функцияга күра хисобланған  $t$  нұктадаги күрсаткичнинг назарий қиймати.

Функция түплами қуидагича тузилади. Энг оддийлари танланади, сүнгра улар изчил мураккаблаштириб борилади.

$q = 1$  учун чизиқли

$$y_1(t) = a_0 + \sum_{i=1}^n a_i x_{it} ;$$

$q = 2$  учун ковариациялы

$$y_2(t) = a_0 + \sum_{i=2}^n a_i x_{it} + \sum_i \sum_j a_{ij} x_{it} x_{jt} ;$$

$q = 3$  учун квадрат

$$y_3(t) = a_0 + \sum a_i x_i + \sum \sum a_{ij} x_{it} x_{jt} ;$$

ва шу тартибда, мумкин бўлгунича кўриб чиқилади. Формал мумкин бўлган чекланиш:  $a_0, a_1, a_2, a_i, a_{ij}$  ( $i, j = 1, 2, 3, \dots, h$ ) аниқланмаган коэффициентлар сонидан кам бўлиши керак  $m-h$ .

$$S_a = \left[ \frac{1}{h} \sum (y_q(t) - y_t)^3 \right]^{1/2} ;$$

Хар бир функция учун ўргатувчи нұқталар түпламида  $\mu_1$  аниқланмаган коэффициентлар,  $a_0, a_i, a_{ij}$  энг кичик квадратлар усули бўйича хисобланади, сүнгра  $y_q(t)$  параметрининг назарий қийматлари  $\mu_2$  текширув түпламида ва ўртача квадрат оғишида  $S_q$  энг кичик хисобланувчи функция энг яхши хисобланади. Масалан,  $n = 2$  учун қуидаги функциялар олинади.

$$Y_1(t) = a_0 + a_1x_{1t} + a_2x_{2t}$$

$$Y_3(t) = a_0 + a_1a_{1t} + a_{2t} + a_{12}x_{1t}x_{2t}$$

$$Y_3(t) = a_0 + a_1x_{1t} + a_2x_{2t} + a_{12}x_{1t}x_{2t} + a_{11}x_{1t}^2 + a_{22}x_{2t}^2$$

Үргатувчи ва текширувчи тўпламларни тузишнинг айрим усуллари мавжуд.

Биринчи усулда барча жуфт нуқталар учрашувчи, барча тоқ нуқталар текширувчи тўпламга киради.

Иккинчи усулда барча тоқ нуқталар ўргатувчи, барча жуфт нуқталар текширувчи тўпламга киради.

Учинчи усулда биринчи ( $m-h$ ) нуқталар ўргатувчи, кейингилари текширувчи тўпламга киради.

Тўртинчи усулда охирги нуқталар ( $h$ ) ўргатувчи, биринчи ( $m-h$ ) нуқталар текширувчи тўпламга киради.

Бешинчи усулда текширувчи тўплам энг характерли нуқталарни ажратиб кўрсатади, қолган нуқталар ўргатувчи тўпламни ташкил қилади.

**Гармоник оғирликлар усули.** Иқтисодий кўрсаткичларни прогноз қилишда гармоник оғирликлар усули поляк олими Э. Хельвиг томонидан тавсия қилинган. Гармоник оғирликлар усулининг асосий ғояси экспоненциал текислаш усулининг ғояси билан бир хил, вақт қаторини кузатишида маълум шакл билан алмаштирилади. Бунда кейинги кузатишларга оғирликлар кўпроқ берилади. Айни бир вақтда гармоник оғирликлар усули вақт қаторларининг даражаларини тортишда қўлланадиган бошқа усулларга нисбатан шундай афзаликка эгаки, уни қўллагандан тренд тури ҳақида ҳеч қандай тахминга ўрин бўлмайди.

**Масаланинг умумий қўйилиши.** Мехнат унумдорлигининг вақт қатори  $y_t = f(t)$  ( $t = 1, n$ ) бор дейлик. Кейин бу қаторни икки таркибий кисмга ажратиш мумкин дейлик:

$$Y = f(t) + \xi_t(1)$$

бунда  $f(t)$  (тренд) вақтдан тасодифий бўлмаган функция.

$\xi_t$  — компонентнинг стационар тасодифийлиги ( $t+1$ ) бўлганда,  $y_t$  кўрсаткичнинг  $1=1, L$  даги миқдорини топиш ва прогноз хатосини баҳолаш талаб қилинади

(1) ифодадан кўриниб турибдики, прогноз кўрсаткичи тренд бўйича прогноз  $f(t)$  ва компонент тасодифийлиги прогнози  $\xi_t$  дан иборат экан.

Ўрганилаётган иқтисодий кўрсаткич ўзгаришларининг қонуниятлари ҳақида етарлича ишонарли априор ахборот йўқ бўлган ҳолларда тренд бўйича оддий экстраполяция жиддий хатоларга олиб келиши мумкинлигини З. Хельвиг кўрсатиб берган. Бундай вазиятда шартли тарзда  $f(t)$  ҳақиқий тренднинг айрим яқинлаштирувчиси  $y_t$  вақт қаторидаги берилган нуқталар сонини бирлаштирувчиси синиқ чизиқ бўлади.

Тренд синиқ чизиқнинг ифодаловчи айрим бўлакларининг ўзгарувчи ҳолати ўрганилаётган жараёндаги тўхтовсиз ўзгаришларни, яъни унинг айрим фазаларини тасвирлайди. Бошқача айтганда, биз сирпанувчи трендга

(статистикадаги сирпанувчи ўртачага ўхшаш) дуч келамиз. Сирпанувчи тренд бўйича экстрополяцияни ўтказиб, бунда синик чизиқнинг айрим нуқталарини гармоник тарозида ўлчаб (бу анча қузатишлар салмоғини ошириш имконини беради) ва Чебишев тенгсизлиги асосида прогноз баҳолари учун ишонч интервалини қуриб (бунда прогноз даврининг ўсиши билан ишонч интервали кенгаяди), бир қатор ҳолларда етарлича аниқ холосага эга бўлиш мумкин.

**Сирпанувчи трендни тузиш.** Сирпанувчи тренд ҳаракатининг айрим фазаларини аниқлаш учун уларнинг коэффициентини оламиз ва чизиқли кесмалар тенгламасини топамиз ( $h$  сони иқтисодий асосга эга бўлади);

$$y_t(t) = a_i + b_i t \quad (i = \overline{1, n-h+s})$$

$$\text{бунда } i = 1, t = \overline{1, h}$$

$$i = 2, t = \overline{1, h+1}$$

$$i = n-h+1, t = n-h+1 \dots n-h+2 \dots n$$

Бу тенгламалар параметрларини энг кичик квадратлар усули билан топиш мумкин.

$t = i+h-1$  нуқталардаги ҳар бир  $y_t(t)$  функцияниянг қийматини хисоблаймиз. Бу қийматлар орасидан  $t=i$  бўлганини ажратамиз.

$y_t(t)$  орқали  $t=1$  учун  $y_t(t)$  функциялар қийматини белгилаймиз.

$q_i$  уларнинг микдори дейлик. Бунда биз ўртачани аниқлашимиз мумкин:

$$y_i(t) = \frac{1}{q_i} \sum_{j=1}^{q_i} y_j(t) \quad (j = \overline{1, g_i}).$$

Топилган  $\bar{y}_j(t)$  нуқталарни оддий кесмалар билан бириктириб, синик чизиқ билан ифодаланган ўрганилаётган вақт қатори трендга эга бўламиз.

**Гармоник оғирликлар усулини ҳисоблаш жадвали.** Бу усул қуйидаги асосий босқичлардан иборат бўлади: аввал  $f(t)$  функцияниянг ўсишини топамиз:

$$f(t) \tag{1}$$

$$\omega_{t+1} = f(t+1) - f(t) = \bar{y}_{t+1} - y_t \tag{2}$$

Сўнгра ўртача ўсишини хисоблаймиз:

$$\omega = \sum_{t=1}^{n-1} C_{t+1}^n \omega_{t+1} \tag{3}$$

бунда  $C_{t+1}^n$  қуйидаги шартларни бажарувчи коэффициентлар:

$$C_{t+1}^n > 0 \quad (t = 1, n-1) \tag{4}$$

$$\sum_{t=1}^{n-1} C_{t+1}^n = 1 \quad \text{бўлади.}$$

Ифода (3) анча кейинги даврларига тааллуқли ахборотларни, катта оғирликларни ифодалаш имконини беради, чунки оғирликларнинг ортиши  $t=n$  вақт учун анча олдинги ва анча кейинги ахборотни ажратувчи вақтга тескари пропорционалдир.

$$m_2 = 1/n-1 \tag{5}$$

Агар энг дастлабки ахборот қуйидаги оғирликка эга бўлса:

$$m_3 = m_3 + \frac{1}{n-2} = \frac{1}{n-1} + \frac{1}{n-2} \quad (6)$$

унда текстнинг кейинги вақтига тааллуқли  $m_3$  ахборот оғирлигига teng.

Умумий кўринишда оғирликлар қатори қуидаги тенглама бўйича аниқланади.

$$m_{t+1} = m_t + \frac{1}{n-t} (t = 2, 3, \dots, n-1) \quad (7)$$

Бошланғич миқдор (5) тенглама билан ифодаланган. Оғирликлар қаторини гармоник оғирликлар қатори деймиз.

Тенгламанинг (7) ечими қуидагича бўлади:

$$m_{t+1} = \sum_{t=1}^n \frac{1}{n-1} (t = \overline{1, n-1}) \quad (8)$$

бундан

$$\sum_{t=1}^{n-1} m_{t+1} = n-1 \quad (9)$$

Шартнинг (4) бажарилиши учун  $m_{t+1}$ , барча коэффициентларини ( $n-1$ ) га бўлиш керак, бунда (4) ва ( $4^1$ ) шартларини қониқтирувчи сон  $C_{t+1}^n$  га эга бўламиз.

Гармоник оғирликлар усули мавсумий ва даврий тебранишлари бўлмаган вақт қаторлари бўйича прогнозлар тузишда қўлланади.

Бу усулни тадқиқ қилишнинг асосий муаммоси  $h$  сонини қўйиш масаласи бўлиб, бу прогнознинг мукаммал иқтисодий асослаб ҳал этилиши лозим бўлган энг қийин муаммосидир.